

# НАМОЗ ЎҚИШ МАКРУҲ ЖОЙЛАР ҲАҚИДА

05:00 / 04.01.2017 7193

...Ушбу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан олдин аҳамият берган нарсалардан бири ҳақида сўз кетмоқда. У ҳам бўлса, анбиёларнинг қабрларини масжид қилиб олмаслик. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудий ва насороларни ана ўша ишни қилганлари учун лаънатладилар. Бундан, мусулмонлар бундай ишни қилмасликлари керак, агар бундай ишни қилсалар улар ҳам лаънатга қоладилар, деган маъно чиқади. Анбиёларнинг қабрларини масжид қилиб олиш мумкин бўлмаганидан кейин улардан бошқаларнинг қабрини масжид қилиб олиш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳеч бир қабрни масжид қилиб олиб бўлмайди...

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Умму Салама Ҳабашистон ерида ўзи кўрган, Мория, деб аталадиган канийса ҳақида, унинг ичида кўрган сувратлар ҳақида зикр қилди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ана ўшалар, ичларидан солиҳ банда ёки солиҳ киши ўлса, унинг қабри устига масжид қура ва ичига ўша суратларни солар эдилар. Ана ўшалар, Аллоҳ таолонинг ҳузурида халойиқнинг энг ёмонларидир», дедилар».

Шарҳ: Умму Салама онамиз ўзларининг биринчи эрлари Абу Салама билан бирга, бир гуруҳ мусулмонлар ила Ҳабашистон ерларига ҳижрат қилган эдилар. Ўша вақтда Ҳабашистон насроний юрт бўлиб, унга эътиқодли масийҳий диндор–Нажаший подшоҳ эди.

Шунинг учун ҳам Макка мушриклари зулмидан эзилган мусулмонларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша жойга ҳижрат қилишни тавсия қилган эдилар.

Абу Салама розияллоҳу анҳу Мадинаи Мунавварага қайтиб келишганларидан кейин вафот этиб, қолган ёш болаларини тарбияси мақсадида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама онамизга уйланадилар.

Кунлардан бир кун Умму Салама онамиз Ҳабашистон ерларида ўзлари кўрган «Мория» номли каниса ва ундаги сувратлар ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга гапириб берадилар ва У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисни айтадилар.

Бунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам насаролар канисасида одамларнинг сувратлари қандоқ бўлиб пайдо бўлгани, нима сабабдан улар ана ўша сувратларга ибодат қилишлари тушунтирилмоқда.

«Ана ўшалар, ичларидан солиҳ банда ёки солиҳ киши ўлса, унинг қабри устига масжид қураар ва унинг ичига ўша сувратларни солар эдилар».

Демак, аҳли солиҳ кишиларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида қилинган нотўғри ишлар ибодатда ҳам адашувга сабаб бўлган.

Мазкур адашувнинг биринчи қисми солиҳ кишилар қабри устига ибодатхона қуриш.

Иккинчиси эса, ибодатхона ичига солиҳ бандани эслаб туриш ниятида қилинган бўлса ҳам аста-секин вақт ўтиши билан, биринчи авлоднинг мазкур сувратларга ҳурмат билан қараётганини кўрган иккинчи авлод ўзидан бир оз қўшиб, учинчиси яна зиёда қилиб охири уларга ибодат қилиш даражасига етишган.

Ушбу жараён насароларда бугун ҳам давом этмоқда. Буни ўзимиз хабардор бўлган, черкови ҳаётидан тушуниб олмоқдамиз. Биз билган вақтда улар бир неча ўз ўлчовларидаги солиҳ кишиларни ўлганларидан кейин аста-секин кўтариб, кўтариб келиб охири муқаддас авлиё сифатида эълон қилишди. Бошқа баъзиларини эса худди шундоқ қилиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

«Ана ўшалар, Аллоҳ таолонинг ҳузурида халойиқнинг энг ёмонларидир».

Шунинг учун, уларнинг қилганларини қилмаслик керак. Солиҳ кишилар қабрлари устига масжид қурмаслик керак. Ибодатхона ва ибодат қиладиган жойларга суврат қўймаслик керак. Агар мусулмонлар бундоқ қилмасалар, насароларга ўхшаб залолатга кетишлари мумкин бўлиб қолади. Ушбу ишга доимо ҳушёр бўлишимиз керак.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жон таслим вақти келганда, юзларига хомийса(чойшабсимон кийим)ни ташлар, қачон нафаслари қисса уни очиб ташлар эдилар. У зот

ўша ҳолатда туриб: «Яҳудий ва насронийларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин, анбиёларининг қабрларини масжид қилиб олдилар, деб улар қилган нарсадан огоҳлантирар эдилар». Икковини икки шайх ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан олдин аҳамият берган нарсалардан бири ҳақида сўз кетмоқда. У ҳам бўлса, анбиёларнинг қабрларини масжид қилиб олмаслик.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудий ва насороларни ана ўша ишни қилганлари учун лаънатладилар. Бундан, мусулмонлар бундай ишни қилмасликлари керак, агар бундай ишни қилсалар улар ҳам лаънатга қоладилар, деган маъно чиқади.

Анбиёларнинг қабрларини масжид қилиб олиш мумкин бўлмаганидан кейин улардан бошқаларнинг қабрини масжид қилиб олиш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳеч бир қабрни масжид қилиб олиб бўлмайди.

Жундаб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўлимларидан беш кун олдин: «Мен Аллоҳ ҳузурида сизлардан халийлим борлигидан ўзимни поклайман. Чунки, Аллоҳ таоло Ўзига худди Иброҳимни халийл қилганидек мени ҳам халийл қилиб олди. Агар умматимдан халийл оладиган бўлсам, Абу Бакрни халийл қилиб олган бўлар эдим. Огоҳ бўлинглар, сиздан олдин ўтганлар анбиёлари ва солиҳларининг қабрларини масжидлар қилиб олар эдилар. Огоҳ бўлинглар, қабрларни масжидлар қилиб олманглар. Албатта, мен сизларни бундан қайтараман», дедилар». Муслим ва Насай ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадисда олдинги ҳадисдаги мавзуга эътибор берилмоқда. Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан беш кун олдин таъкидлаб айтган гаплардан бири бўлгани учун ҳам бу ҳадисаги зикр этилган нарсалар ўта муҳимдир.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидан халиллари йўқлиги.
2. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг халийли эканликлари.

3. Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларидан халийл оладиган бўлсалар, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқни олишлари. Бу у зот розияллоҳу анхунинг Ислом умматида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин энг афзал киши эканликларига далилдир.

4. Ислом умматидан олдин ўтган умматлар; яҳудий ва насаролар анбиё ва солиҳларининг қабрларини масжидлар – ибодатхоналар қилиб олганликлари.

5. Ислом умматига қабрларни масжид қилиб мумкин эмаслиги.

Абу Саъид розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ернинг ҳаммаси масжиддир. Фақат ҳаммом ва мақбара бундан мустаснодир», дедилар». Абу Довуд, Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Ер юзининг ҳар бир нуқтаси мусулмон уммати учун масжид экани ҳақида олдин ҳам бир неча ҳадисларни ўрганган эдик. Бу ҳадисда ушбу умумий ҳукмдан икки жой мустасно қилинмоқда:

1. Ҳаммом.

Чунки, ҳаммом ахлат, ифлос, одамларнинг кирлари тўкиладиган жойдир. Шунинг учун, у ерда шайтонлар ҳам кўп бўлади. Албатта, ана шундоқ номуносиб жойда намоз ўқиш ҳурматсизлик бўлади.

2. Мақбара.

Қабристон ўликлар макони бўлиб, ери нажасга айланган бўлади. Сўнгра аввалги ҳадисларда келганидек, қабрларни масжид қилиб олиш ширкка сабаб бўлиб қолиши мумкин.

Ҳанбалий мазҳаби бўйича учтадан ортиқ қабр бор жойда намоз ўқиш ҳаром ҳисобланади.

Ҳанафий мазҳабида мақбарадаги намоз макруҳ.

Баро розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан туяхонада намоз ўқиш ҳақида сўралди. Бас, У зот: «У ерда намоз ўқиманглар, чунки у(туя)лар шайтонлардир», дедилар. Қўй қўраларидаги намоз ҳақида сўралган эдилар: «Унда намоз ўқийверинглар, у(қўй)лар баракадир», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Термизийнинг лафзи: «Қўй қўраларида намоз ўқийверинглар, туя чўкадиган жойда намоз ўқиманглар», дедилар».

Шарҳ: Ушбу икки ривоятда қўй қўралари ва туя боғланадиган жойларда намоз ўқиш қандоқ бўлиши ҳақида сўз кетмоқда.

1. Туя боғланадиган жойларда намоз ўқиб бўлмайди.

Чунки, туя феъли бузуқ ҳайвон. Ҳар лаҳзада ҳамла қилиши, пишқириб намозхонни чўчитиши, намозини бузиши мумкин. Шунинг учун ҳам туяларни Пайғамбаримиз алайҳиссалом, улар шайтонлардир, деб васф қилмоқдалар.

2. Қўй қўраларида намоз ўқиш мумкин.

Чунки, қўй энг ювош ҳайвон ҳисобланади. У намозхонга ҳамла ҳам қилмайди, уни чўчитмайди ҳам. Балки, қўй жаннати ҳайвондир. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни, улар баракадир, деб васф қилдилар.

Икки шайх ва Термизий қилган ривоятда: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам масжид бино қилинишидан олдин қўй қўрасида намоз ўқир эдилар», дейилган.

Шарҳ: Демак, қўй қўраларида намоз ўқиш жоиз.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етти жойда намоз ўқишдан наҳий қилдилар; ахлатхонада, қассобхонада, мақбарада, йўл ўртасида, ҳаммомда, туя боғланадиган жойда ва Байтуллоҳул Ҳаромнинг устида». Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқишдан қайтарган маконларни бирма-бир кўриб чиқайлик.

1. Ахлатхона.

Ахлатхона намоз ўқиб бўлмаслиги ўз-ўзидан маълум. Намознинг қабул бўлиши учун асосий шартлардан бири, макон поклигидир. Ахлатхона бунинг акси бўлган жойдир.

2. Қассобхона – қушхона.

Бу жой сўйилган ҳайвонлар қонлари ва ахлатлари ила поклигини йўқотган макон. У жойда намоз ўқиб бўлмас.

### 3. Мақбара.

Мақбарада намоз ўқиб бўлмаслиқнинг ҳикматини яқинда ўтган ҳадисда ўргандик.

### 4. Йўл ўртаси.

Йўл ўртаси намоз учун мақбул жой эмаслигини шарҳ қилиб ўтиришнинг хожати бўлмаса керак.

### 5. Ҳаммом.

Ҳаммомда намоз ўқиш жоиз эмаслиги ҳақида ҳам аввал ўтган ҳадисларда ўрганилди.

### 6. Туя боғланадиган жой.

Бу масала ҳақида ҳам аввал сўз бўлиб ўтди.

### 7. Байтуллоҳул Ҳаромнинг устида.

Чунки, Каъбаи Муаззаманинг устига чиқиб намоз ўқиш бу муқаддас жойга нисбатан ҳурматсизликдир.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ҳабибим соллаллоҳу алайҳи васаллам мени мақбарада намоз ўқимоғимдан наҳий қилдилар. У зот мени Бобил ерида намоз ўқимоғимдан наҳий қилдилар. Чунки, у лаънатланган ердир». Абу Довуд ривоят қилган.

Бухорий келтирган лафзда:

«Али Бобилнинг ер ютган жойида намоз ўқишни макруҳ кўрди», дейилган. Аллоҳ билувчидир.

Шарҳ: Ушбу ривоятдан ўтганларга изофа ўлароқ «Бобил» ерида намоз ўқиш ҳам жоиз эмаслигини билиб оламиз. Чунки, ривоятда айтилганидек, у ер лаънатланган ердир. Бобил подшоҳи Намруд ибн Канъон катта ва баланд бир бино қуриб фархланган. Аллоҳ таоло уни ерга ютдириб юборган. Ана шу сабабдан ҳам бу хосиятсиз маконда намоз ўқиш макруҳдир.